Союз советских
писателей Узбекистана

опись № 2
ед. хр. № 302

Центральный
государственный архив
Фонд № 2356
Опись 2
302

# Дело №

Чулпон
Соз
(стихи)

Начато: «___» ______________ 196__ г.
Окончено: «___» 1935 г. 196__ г.
На 40 листах

# БИР ЛАВҲА
/Шанхай воқеаларидан/

"Нагасакий" лиманидан жилди пароход,
Бир пароход эмас, балки улкан бир флот!
"Вамло" дарё сувларини қоплади тўлқин;

"Сизинвэн" нинг ҳавосини заҳарлик тутун -
Бир ҳафтадан бери бирдак босиб туради.
Тог тўплари кемаларга олов уради!

"Сеттилмент" дан ташқарида бу мудҳиш учиш
Кеча-кундкз - огир тушдай! - давом этади.
Огир ўқлар ер багрини ёриб титади!

Кенг майдонда ўликлар йўқ, ўлганлар сонсиз!
Кўп "маданий" уруш бўлди ўликсиз, қонсиз:
Ҳар бир ўлик бир нечага бўлиниб кетган,
Ё қўлини, ё путини бирдан гойиб этган,
Бири қумлар орасида эранг кўринар,
Бири оёқ остларида қолиб сурунар...

Кўп "маданий" уруш эмиш - ўликсиз, қонсиз!
Обрўйлик бир газетда қайси виждонсиз,
Шу мазмунда ёзув ёзиб жар чақиради.
Хўжайини дам чиқармай элни қиради!

Иккови ҳам "вахшилар"ни йўлга солмоқчи,
Иккови ҳам вахши элда туриб қолмоқчи,
Иккови ҳам вахшиларни ёмон кўради,
Кўча-кўйда кўринганда юз ўгиради.

Иккови ҳам "вахшилар"нинг кучига хуштар!
"Вахшилар"га бу севгидан нима фойда бор?

---

"Сеттилмент"дан учиб ўтди ҳунук қора қуш!
Ресторанда билинмади бу мудҳиш учуш,
Чунки унда: "Жаз" шовқини қулоқ яради.
Ташқарида оч бир хитой ҳей ёлворади,
Ҳей ёлворади!..

1932-йил, февраль

---